

**2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар ижроси тўғрисида  
ТАҲЛИЛИЙ МАЪЛУМОТ**

T/p	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизмлари	Амалга ошириш шакли	Муддати	Масъул ижрочилар	Амалга оширилган ишлар, тайёрланган ҳужжат лойиҳалари (кимга, қачон киритилганлиги, хат рақами ва санаси)
<b>III. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЮҚОРИ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ</b>						
<b>35-мақсад: “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг” дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 млн нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 млн нафарга етказиш</b>						
173.	Республикага ташриф буюрадиган <b>хорижий туристлар сонини 2026 йилга қадар 9 млн нафарга етказиш.</b>	4. Чегара ўтиш пунктларида сайёҳлар учун қисқа муддатда ўтиш тизимини жорий қилиш. Бунда: <b>2022 йилда қисқа муддатда ўтиш тизими жорий этиладиган чегара пунктларини аниқлаш ва босқичма-босқич ўтиш пунктларини жорий этиш;</b> tizim жорий этиладиган пунктларни жиҳозлаш, сайёҳлар учун шароит яратиш ва тартибларни назарда тутувчи <b>тармоқ жадвал ишлаб чиқиб</b> , Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш.	Вазирлар Маҳкамасининг тармоқ жадвал лойиҳасини ишлаб чиқиш	2022 йил	Божхона қўмитаси  Туризм ва маданий мерос вазирлиги	<b>Бажарилган</b> Давлат дастурида белгиланган тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида ДБКнинг 2022 йилдаги 37-сон буйруғи ишлаб чиқилди. Чегара божхона постларидаги мавжуд инфратузилма ва фуқаролар учун яратилган шарт шароитларни ўрганиш мақсадида Давлат божхона қўмитасининг февраль ойи учун 08.02.2022 йилдаги 5-11732/22-сонли иш режаси тасдиқланди. Иш ржасига мувофиқ ДБК раҳбарияти бошчилигида 6 та гуруҳ шакллантирилди ва чегара божхона постларида ўрағнилиши талаб этиладиган йўналишлар белгилаб берилди. Ўрганишда республикамиз товар ва транспортлар ҳамда фуқаролар ҳаракати оқими юқори бўлган постларга эътибор қаратилди. Фуқаролар ва юқларнинг ўтказувчанлик қобилятидан келиб чиқиб жами республика бўйича 40 та божхона постлари танлаб олинди. 2022 йил март ойида Давлат божхона қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан биргаликда 40 та божхона постининг ҳар бирида пост ва пост олди инфратузилмасини ҳамда божхона постларидан сўнг Давлат чегара чизигигача бўлган худудларни яхшилаш бўйича “Йўл харита”лари тасдиқланди.

					<p>Хусусан, чегара постлари атрофидаги таъмирталаб йўллар асфальтланиб, 4,5 мингта дарахт ва 47 мингта гул кўчатлари экилиб, ободонлаштирилди.</p> <p>20 та пост табиий газ, 29 та постни ичимлик суви ва 20 та постни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш масаласи ҳал этилди.</p> <p><b>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги</b> “Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги <b>ПФ-122-сон Фармонининг 1-илоvasи билан</b> “2022 йилда божхона органлари инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси” тасдиқланди.</p> <p>Йўл харитасига асосан 2022-2023 йилларда <b>3 та</b> чегара божхона постларини янгитдан қуриш (“Довут-ота”, “Навоий”, “Фишткўприк” чегара божхона постлари), <b>37 та</b> божхона постлари ва маъмурий биноларини реконструкция қилиш ва улардаги мавжуд инфратузилмаларни яхшилаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.</p> <p>Фармон доирасида 2022 йилнинг 1 апрелдан “Самарқанд” халқаро аэропортида, 1 июлдан “Ислом Каримов” номидаги “Тошкент” халқаро аэропортида “сезилмайдиган божхона назорати” тизими жорий қилинди.</p> <p>Бунда, Европа, АҚШ, Туркия, БАА, Хитой ва Корея каби ривожланган давлатлар халқаро аэропортлари тажрибаси асосида божхона назоратини масофадан амалга ошириш амалиёти кўлланилди.</p> <p>Мазкур йўналишда ишлар давом эттирилиб, 2022 йил 1 октябрдан “Термиз” халқаро аэропорти ва 2023 йил якунига қадар республиканинг қолган барча аэропортларда мазкур тизим босқичма - босқич жорий этилади.</p> <p>Бундан ташқари, Божхона кўмитаси, Uzbekistan Airports компанияси ва бошқа ташкилотлар билан 2022 йилнинг 25 май куни “Тошкент” халқаро аэропортининг учиб кетиш терминалида <b>янги Fast Track хизмати</b> ишга туширилди (<a href="https://uznews.uz/posts/55838">https://uznews.uz/posts/55838</a>). Хизмат йўловчиларга рейсга рўйхатдан ўтиш, божхона ва паспорт назорати, шунингдек, парвоз олдиан текширувлардан навбатсиз ўтиш имконини беради.</p>
--	--	--	--	--	--

						<p>Fast Track хизматидан фойдаланиш учун йўловчи жўнаш терминалидаги маълумот бурчагига мурожаат қилиши керак. Тўлов амалга оширилганидан сўнг аэропорт ходими йўловчини махсус “коридор” бўйлаб “стерил” зонагача кузатиб боради ва у ердан йўловчи мустақил равишда бортга чиқади (<i>Fast Track хизматининг нархи 170 000 сўм. Шунингдек, оила аъзолари билан учаётган йўловчилар учун “Оилавий” пакети мавжуд. Хизмат учун миллий валютада нақд пулда ёки Uzcard, Humo, Visa, Mastercard ва бошқалар орқали банк ўтказмаси орқали тўлаш имконияти ҳам мавжуд</i>).</p> <p>Натижада, аэропортларда <b>навбатлар барҳам берилди</b>. Туризмни пандемиядан кейин қайта тиклаш мақсадида хорижий туристлар сони <b>2021 йилга нисбатан 3 бараварга кўпайди</b>. Йил бошидан буён туризм экспорти ҳажми <b>926 миллион доллар бўлди</b>. Юртимизга келган меҳмонларнинг саёҳати ўртача <b>4-5 кунгача</b>, сарфлаган маблағи <b>305 долларгача кўпайди</b>.</p> <p><i>Маълумот учун, ички сайёҳлар сони ҳам ўтган йилга нисбатан 3,5 бараварга ўсиб, 7,5 миллион нафарни ташкил қилди.</i></p> <p>Бундан ташқари 2022 йил <b>29 июлда 12/01-22-1803-сон</b> хат билан Вазирлар Маҳкамасига тармоқ жадвали ишлаб чиқилиб, тасдиқлаш учун киритилди.</p> <p>Бош вазир ўринбосари Ж.Кўчқоровнинг <b>2022 йил 3 декабрдаги 02/1-180-сон тармоқ жадвали</b> тасдиқланди.</p>
<b>VII. МАМЛАКАТИМИЗ ХАВФСИЗЛИГИ ВА МУДОФАА САЛОҲИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ, ОЧИҚ, ПРАГМАТИК ВА ФАОЛ ТАШҚИ СИЁСАТ ОЛИБ БОРИШ</b>						
<b>94-мақсад. Марказий Осиёда хавфсизлик, савдо-иқтисодий, сув, энергетика, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги яқин ҳамкорликни сифат жиҳатидан юқори босқичга олиб чиқиш</b>						
354.	Ўзбекистон Республикасининг чегараолди назорат-ўтказиш пунктларини реконструкция қилиш ва кенгайтириш орқали уларнинг ўтказувчанлигини ошириш.	Реконструкция ишларини Давлат божхона кўмитаси талабларига ва халқаро стандартларга мос равишда амалга ошириш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш	2022 йил	Божхона кўмитаси Транспорт вазирлиги ДХХ Чегара кўшинлари	<b>Бажарилган</b> Давлат дастурида белгиланган тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида ДБҚнинг 2022 йилдаги 37-сон буйруғи ишлаб чиқилди. Чегара божхона постларидаги мавжуд инфратузилма ва фуқаролар учун яратилган шарт шароитларни ўрганиш мақсадида Давлат божхона кўмитасининг февраль ойи учун 08.02.2022 йилдаги 5-11732/22-сонли иш режаси тасдиқланди.

					<p>Иш ржасига мувофик ДБК раҳбарияти бошчилигида 6 та гуруҳ шакллантирилди ва чегара божхона постларида ўрагнилиши талаб этиладиган йўналишлар белгилаб берилди.</p> <p>Ўрганишда товар ва транспортлар ҳамда фуқаролар ҳаракати оқими юқори бўлган постларга эътибор қаратилди.</p> <p>Фуқаролар ва юкларнинг ўтказувчанлик қобилиятидан келиб чиқиб жами республика бўйича 40 та божхона постлари танлаб олинди.</p> <p>2022 йилнинг март ойи давомида Давлат божхона қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан биргаликда 40 та божхона постининг ҳар бирида пост ва пост олди инфратузилмасини ҳамда божхона постларидан сўнг Давлат чегара чизигигача бўлган худудларни яхшилаш бўйича “Йўл харита”лари тасдиқланди.</p> <p>Ўрганиш якунлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва уни коррупциядан ҳоли тизимга айлантириш тўғрисида”ги Фармони лойиҳаси ишлаб чиқилиши таъминланади (ID-58450).</p> <p>Фармон лойиҳаси 2022 йил 19 апрель куни 13/01-22-209-сон хат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилди.</p> <p>Натижада, <b>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги</b> “Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги <b>ПФ-122-сон Фармонининг</b> 1-илоvasи билан “<b>2022 йилда божхона органлари инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси</b>” тасдиқланди.</p> <p>Йўл харитасига асосан 2022-2023 йилларда <b>3 та</b> чегара божхона постларини янгитдан қуриш (<i>“Довут-ота”, “Навоий” “Ғиштқўприк” чегара божхона постлари</i>), <b>37 та</b> божхона постлари ва маъмурий биноларини реконструкция қилиш ва улардаги мавжуд инфратузилмаларини яхшилаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.</p> <p>Мазкур топшириқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги “Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-122-сон Фармони ижроси</p>
--	--	--	--	--	--

					<p>доирасида “Довут-ота” (<i>Қорақалп. Рес.</i>), “Навой” ва “Ғишт-кўприк” (<i>Тошкент вил.</i>) чегара постларини реконструкция қилиш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳаси тайёрланиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилди.</p> <p>Маҳаллий ҳокимликлар томонидан ҳудудни кенгайтириш учун “Довут-ота” постига 4,84 га, “Ғишткўприк” постига 1,2 га ер майдони ажратилди. “Навой” постига қўшимча 6,4 га ер ажратишда Тошкент вил. ҳокимлигига таклифлар киритилган.</p> <p>Бу борада, Вазирлар Маҳкамасининг <b>2022 йил 28 октябрдаги “Чегара божхона постлари инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 626-сон қарори</b> қабул қилиниб, ҳозирда ушбу чегара божхона постларида реконструкция ишлари халқаро стандартларга мос равишда амалга оширилмоқда.</p>
--	--	--	--	--	--